

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Конимех туман Ободонлаштириш бошкармаси

Г.Тухтаев

05" апрель 2022 йил



Конимех тумани Гулистон МФИ Урганжи кишлоғи куча еритиш тизимини таъмирлаш ишларига

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Конимех тумани Гулистон МФИ Урганжи кишлоғи куча еритиш тизимини таъмирлаш ишлари
2	Буюртмачи	Конимех туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Буюртма учун асос	Маҳаллий бюджетда ажратилган маблағ
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Навоий вилояти Конимех тумани буйлаб
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Белгиланган муддатда ва сифатли бажариш
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Тайёр маҳсулот етказилган счет-фактура ва Ф2 га асосан тўлов амалга оширилади
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил апрель ойи
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя қилиши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет манбалари маблағлари

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Конимех туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи
Г.Тухтаев



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Конимех - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Конимех тумани Гулистон МФИ Урганжи кишлоғи куча еритиш тизимини таъмирлаш ишлари

1.2. Танловнинг юқори қиймати – 249 775 723 (Икки юз кирк туккиз миллион етти юз етминч беш минг етти юз йигирма уч) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб, белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Конимех туман ҳокимлиғи (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Конимех туман Бунёдкор кучаси 15 уй.

Эл.адрес: konimex_tumani_obodon@nv.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Конимех тумани Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми

(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвалтулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Галиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мжбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунида ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.